

АЖРИМ

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил февраль ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи, судья: Э.Пирматов,

судья ёрдамчиси М.Тажибоевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Н.Атакузиева, гумон қилинувчи А.Зокиров ва унинг ҳимоячиси-адвокати А.Нормирзаев, жабрланувчи А.Дедабаевнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи

-15.11.1992 йилда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. 20.09.2010 йилда жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,277-моддаси 2-қисми “б” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2010 йил кунги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2. (05.03.2015-талабномада)- ажримда-11.03.2015 йилда жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66-1-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, Наманган тумани, “Ғайрат” МФЙ, Барака кўчаси, рақамсиз уйда истикомат қилувчи, қарор нусхасини ўз вақтида олган Зокиров Анасхон Авазхон ўғлига

нисбатан 1-1601-2103/75-сонли жиноят ишини кўриш жараёнида, гумон қилинувчи ва жабрланувчини ярашув тўғрисидаги аризаларини тинглаб, жиноят иши материаллари билан атрофлича танишиб чиқиб ва таҳлил қилиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Гумон қилинувчи А.Зокиров 2020 йил 05 декабрь куни соат 23:30 ларда Наманган шаҳар, "Халқлар дўстлиги" МФЙ, 4-кичик туманида жойлашган "Рим" номли ресторанида Наманган тумани, "Ғайрат" МФЙ, Барака кўчасида яшовчи Зокиров Анасхон Авазхон ўғли жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, атрофдагиларни тинчлигини бузиб, ушбу жойда бўлган Наманган шаҳар, "Курашхона" МФЙ, Фидокор кўчаси, 18-хонадонда яшовчи Дедабаев Алишер Азиз ўғлини уриб-дўппослаб, унга тан жароҳати етказган.

Наманган вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг 10.12.2020 йилдаги 5543/4376-сонли эксперт хулосасида фуқаро А.А.Дедабаевнинг баданида аниқланган жароҳатлар, чап қош соҳаси юзаки лат еган жароҳати кўринишида бўлиб, ушбу жароҳат қаттиқ ўтмас жисм таъсирида етказилган бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғлигини бузилишига сабабчи бўлмаган Енгил тан жароҳатлар эканлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда Зокиров Анасхон Авазхон ўғлининг содир этган жиноий ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят таркиби аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, уларга нисбатан мазкур модда билан жиноят иши қўзғатиб, гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш лозим бўлади.

Суд мажлисида жабрланувчи А.Дедабаев ва гумон қилинувчи А.Зокиров ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.



Гумон қилинувчи А.Зокиров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи А.Дедабаеванинг даъволаниши учун кетган барча сарф харажатларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда улар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Дедабаев суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи А.Зокировга нисбатан даъвоси йўқлиги, ҳозирда А.Дедабаевани соғлиги яхшилиги, унинг даъволаниши учун кетган барча моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарларни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва гумон қилинувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси ва адвокатнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи А.Зокировнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Зокировга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Бундан ташқари суд, жабрланувчи А.Дедабаевга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, тергов харакатлари акс этирилган 1 (бир) дона DVD-R дискни жиноят иши билан сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи Зокиров Анасхон Авазхон ўғлига оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Дедабаевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, тергов харакатлари акс этирилган 1 (бир) дона DVD-R диск жиноят иши билан сақлансин.

Ажрим устидан икки ой ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Э.Пирматов

